

Ўзбекистон Давлат Санъат ва Маданият Институти
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси

Нақшбандия тариқати

Тайёрлади: 4-курс
талабаси

Орифжонов Хумоюн



- Илмий шарҳлар ва қоидалар.
- Бош ғоя.
- Тариқатнинг таъсири.
- Ўрганиш назарияси ва амалиёти.
- Хулоса.

Тарихи

- **Абдулхолиқ Ғиждувоний** нақшбандия тариқатида хожалар силсиласининг асосчиси ҳисобланади.
- Унинг таълимоти, яъни тасаввуф соҳасида у қолдирган йўл-йўриқлар, одоб ва қарашлар юксак аҳамиятга эга.
- Ғиждувоний 1103 йили Ғиждувон шаҳрида туғилиб, 1179 йили ўша жойда ҳаётдан кўз юмган.


Ғиждувоний Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халифаси сифатида хожалар табақасининг сархалқаси ҳисобланади.



Шарҳлар

- Шариат ва бошқа илму фанларни ўрганиш йўллари турли-туман бўлганидек, тасаввуфда ҳам турли-туман тариқалар мавжуд.
- Ҳар бир тариқат ўзига хос йўлдан ҳақиқатга эришмоқчи бўлади.
- Тасаввуфдаги машҳур тариқатлардан яссавия, кубравия, **нақшбандия**, қодирия, шозилия, чаштия, мавлавия ва бошқа кўп йўл-йўриқларни эслатиш мумкин.

Қоидалар



Нақшбандия тариқати ўн битта сўз ёки қоида ёҳуд ирфоний шиор асосида қурилган.

Ушбу қоидалар тариқат пешволари томонидан кенг кўламда ўрганилиб, ҳар бири ҳақида муфассал маълумотлар бериб ўтилган.

Улардан саккизта қоида

Хожа Абдулхолиқ

Ғиждувонийга мансуб ва


учта қолгани **Баҳовуддин**

Нақшбанд томонидан

белгиланган.

- Нақшбандийлик зикри **хафий** — **хуфяга** асосланган. Зикр эса, яратувчининг зоти ҳақида шундай диққат ва тааммул билан ўйлашки, зокирнинг барча вужуди қалбига тобеъ бўлиб унинг изидан борсин.
- Ундан мақсад кўнгилни нопок туйғулар, ёмон мақсадлар ва шаҳвоний истаклардан покизалаб, ҳар доим Оллоҳ ёди билан машғул қилиб туришдир.
- Яратувчига фақат шу йўлдан яқинлашиш ва ҳаққа эришиш мумкин. Кўнгил покизаланиб сайқал топгандан кейин илоҳий нур унга тажаллий қилади (порлайди), яъни кўзгуда қуёш қандай акс этса, илоҳий нур ҳам солиқ қалбига шундай жилва қилиб ҳузур ҳосил бўлади.

Бош ғоя



**“Дил ба ёру даст
ба кор”**

*“Дилинг Оллоҳда,
қўлинг меҳнатда
бўлсин!”*

XOJA MUHAMMAD BAHOUDDIN NAQSHBAND

Bu zot Buxoroi sharifning Qasri Orifonida 718 hijriy sana - 1318 milodiy sanada dunyoga keldilar va xuddi o'sha yerda 791 hijriy sana -1389 milodiy sanada dunyoni tark etdilar.

Xoja Bahouddin Muhammad Naqshband hazratlari uzun bo'yi, bug'doy rangli, katta soqolli va kulcha yuzli zot edilar.

Aslida Xoja Bahouddin Muhammad Naqshband hazratlari tug'ilgan qishloqning nomi Hinduvond bo'lib, Buxorodan bir farsax uzoqda joylashgan edi. So'ngra Xoja Bahouddin Muhammad Naqshband hazratlarining sharaflariga Qasri Orifon deb nomlanadigan bo'ldi.

Xoja Bahouddin Muhammad Naqshband hazratlari dunyoga kelishlari bilan o'sha paytda Xojagon tariqati peshvolari bo'lgan Muhammad Bobo Sammosiy hazratlari o'z shogirdlari bilan birga Qasri Orifonga keldilar va go'dak Bahouddinni ma'naviy farzandlikka qabul qildilar.


Rivoyatlarda zikr etilishicha, o'shanda Muhammad Bobo Sammosiy hazratlari o'z halifalari Amir Kulol hazratlariga "Bu bolaning tarbiyasi senga oiddir", deganlar.

Тариқатнинг ёйилиши

- Алишер Навоий асарларида ҳам кўнгил кўзгуси дунёвий истаклар ва мосиво, яъни яратувчи ёдидан бошқа нарсалардан покланиб сайқал топгандан кейин унда илоҳий нур тажаллий қилиши — порлашига муносиб бўлади.
- Навоий “**Хамса**”да (“Садди Искандарий”) Оллоҳ инсон қалбини илоҳий сирлар хазинаси қилиб, унда тажаллий этгандан кейин, барча фаришталар унга қараб саждага бош қўйдилар, дейди:
 - *Қилиб кўнглини роз ганжинаси,*
 - *Юзин айладинг зот ойинаси.*
 - *Анга айлогач нури ҳуснунг зуҳур*
 - *Ўқубон малак хайли “Оллоҳу нур”.*

Алишер Навоий ижоди юксакдир.

- XV asrning ikkinchi yarmi o`zbek adabiyotining eng rivojlangan davri bo`lib, bu yuksalik Temuriy Boyqaro va o`zbek adabiyotining porloq quyoshi Navoiy nomlari bilan bog`liq. Boyqaro hukmronligi davrida adabiyot, san`at va fanning ko`p sohalari rivojiga katta ahamiyat bergan.



Таълимот

- **Баҳовуддин Нақшбанд** ўн икки йил давомида Халил Ото (Султон Халил) билан тасаввуфий муносабатлардан ташқари, энг муҳим дунёвий ишлардан бири, яъни давлатни идора қилишда иштирок этиб, ўз амалий ва ҳаётий фалсафаси учун ўрнак бўлиб келди.
- Усмон Турар ифодасича, нақшбандия қуйидаги тўртта асосий қоидага асосланган:
- **шариат** йўли билан зоҳирни поклаш,
- **тариқат** орқали ботинни поклаш,
- **ҳақиқат** йўлидан илоҳий қурб (яқинлик)га эришиш,
- **маърифат** орқали Оллоҳга эришиш.

Тариқатни ўрганиш амалиёти



Абдулҳаким Жўзжоний

▪ ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ ▪

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ НАЗАРИЁТЧИСИ

Кейинги йилларда
тасаввуф илмини
ўрганиш борасида
жуда кўплаб
назариялар ишлаб
чиқилмоқда ҳамда
амалиётга тадбиқ
этилмоқда.

Истиқлол неъматлари



Тасаввуф илмини ўрганишда истиқлол бизга катта имконият берди. Мустақиллик йилларидан сўнг манбалар қайта тикланди ва ўрганилди.

Нажмиддин Комилов,
*филология фанлари доктори,
профессор.*
Тасаввуф бўйича кўплаб илмий ишлар тайёрлаган.

Муқаддас қадамжолар



Буюк шахслар ўтган Бухорои
шарифда муқаддас
қадамжолар, зиёратгоҳлар
бунёд этилган.

Ушбу масканлар доимо ўплаб
ватандошларимиз ҳамда
туристлар билан гавжум.

Бухорои шариф

Хулоса

- Тасаввуф илми ниҳоятда кенг ва сермазмундир.
- Фалсафий ғоялар асрлар ўтса-да, ўз қимматини асло йўқотмайди.
- “Нақшбандия тариқати” ҳам диний ҳам дунёвий билимлар эгаллашни илгари суради.
- Муқаддас таълимотлар халқимизнинг асрий маданияти ва турмушига сингиб кетган.

• **Достонбек Раҳматуллаев**

“Саҳна ва экран санъати драматургияси”

таълими йўналиши 4-курс талабаси.